

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ, БОШ ИЛМИЙ МЕТОДИК МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.Ped.68.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТЕМИРОВ ДИЛШОД ШЕРАЛИЕВИЧ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК ВА ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Темиров Дилшод Шералиевич**

Умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш..... 3

**Темиров Дилшод Шералиевич**

Совершенствование методологических и организационно-педагогических основ управления учреждением общего среднего образования..... 23

**Temirov Dilshod Sheralievich**

Improving methodological, organizational-pedagogical basis of managing general secondary educational institution..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ, БОШ ИЛМИЙ МЕТОДИК МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.Ped.68.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТЕМИРОВ ДИЛШОД ШЕРАЛИЕВИЧ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК ВА ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Ped701 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юлдашев Мақсуджон Абдуллаевич**  
педагогика фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Вахобов Маъруфжон Маликович**  
педагогика фанлари доктори

**Акрамова Шахноза Аброровна**  
педагогика фанлари доктори

**Ётақчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Бош илмий методик маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site: [www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz); E-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)).

Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Раҳмонкулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор.

**А.А. Баҳрамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф-м.ф.н., доцент.

**Э.Р. Юзликаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор.

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёни кечаётган ҳозирги вақтда ривожланишнинг асосий омиллари сифатида таълимни давлат-жамият шаклида бошқариш эътироф этилмоқда. Бу, ўз навбатида, барча даврларда бўлгани каби таълим муассасасини бошқариш контекстида таълим сифатини жамоатчилик асосида ва мустақил тарзда баҳолаш, таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқаришни такомиллаштириш, таълим тизимининг барча мураккаб ташкилий элементларини чуқур таҳлил этиш асосида такомиллаштириш, таълим муассасасини бошқаришда таълим муассасаси, фуқаролар ва давлат манфаатларини интеграциялаш, таълимни бошқаришнинг ҳозирги давр жамиятининг ўзгариб бораётган эҳтиёжларини таъминловчи механизмларини жорий этиш заруриятининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда таълимни бошқаришнинг назарий-методологик жиҳатларини тадқиқ қилиш, таълим муассасалари ривожланишини бошқариш, таълим муассасасига мослашувчан бошқарув тизимларини ҳамда таълим муассасаларини бошқаришнинг давлат-жамият ҳамкорлигига асосланган механизмларини жорий этиш, таълим жараёни иштирокчиларининг таълим муассасасини бошқаришга бўлган муносабатларини таҳлил қилиш асосида бошқариш тизимини такомиллаштириш каби йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдики, умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараён моделини яратиш, таълим муассасасининг ўзини ўзи баҳолаш даражасини ифодаловчи индикаторлар таркибини аниқлаштириш, таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасига нисбатан субъектив муносабатларини диагностика қилиш методикаси, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий-педагогик методлари ва технологияларини аниқлаштириш муаммолари ҳозирги вақтда алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Бугунги кунда республикамизда халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий-техник баъзаси, ҳуқуқий-меъёрий, методик таъминоти босқичма-босқич мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш”<sup>1</sup> каби йўналишлар белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур жараённи тадқиқ этиш ва таҳлилий йўналишга эга бўлган педагогик тизим сифатида кўриб чиқишда умумий ўрта таълим муассасаларини давлат-жамият шаклида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

бошқаришни ривожлантиришнинг тарихий тараққиёт йўли ҳамда замонавий тенденцияларини аниқлаш, таълим муносабатлари катнашчиларининг субъективлигини шакллантириш принциплари асосида таълим муассасасини ўзини ўзи баҳолаш технологиясини ишлаб чиқиш, таълимни давлат-жамият шаклида бошқаришнинг мазмуни, вазифалари, принципларини аниқлаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони ва “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини тадбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон ва 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим муассасаларини бошқариш назариясининг умумий асослари юртимиз олимлари Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, С.Т.Турғунов, М.А.Юлдашев, Х.Ф.Рашидов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ш.Э.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Мирқосимов, Р.Ш.Ахлидинов, М.М.Вахобов, Н.Қ.Ахмедова, Т.И.Шамова, А.В.Шин, Қ.О.Шодмонов кабилар томонидан тадқиқ қилинган.

Умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришни такомиллаштириш назариясига оид тадқиқотлар МДХ олимларидан А.И.Адамский, Н.В.Акинфиева, В.И.Бочкарев, А.Ф.Гузаирова, В.А.Карпов, Ю.А.Конаржевский, В.Ю.Кричевский, В.С.Лазарев, А.М.Моисеев, А.А.Орлов, Л.П.Погребняк, М.М.Поташник, П.И.Третьяков, А.Т.Харисова, С.В.Хохлова, А.М.Цирульников ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасини бошқаришдаги фаолиятига оид талаб ва меъёрлар тартибини мустаҳкамловчи норматив-ҳуқуқий асослар, таълимни бошқариш соҳасидаги тадқиқотлар Edward Sallis, E.El-Khawas, P.Schargel Franklin, L.Harvey, J.Burgard Jeffrey, Marmar Mukhopadhyay, Paulo Santiago, Deborah Nusche, Thomas Radinger, A.Saltzman, G.Yukl, D.F.Westerheijden, М.Х.Мескон, Б.З.Мильтнер, Ф.Хедоури, I.Ansoff, А.Файол каби хорижий мамлакатларнинг педагог, психолог, иқтисодчи, файласуф, социолог олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқариш принциплари ва уни амалга оширишнинг турли жиҳатлари мамлакатимиз олимлари У.И.Иноятов, Н.Қ.Ахмедова, Х.Ф.Рашидов, У.Ш.Бегимқулов, М.А.Юлдашев, М.М.Вахобов; МДХ мамлакатларининг Н.В.Акинфиева, В.И.Бочкарев, А.Ф.Гузаирова, М.Н.Гулько, А.И.Кузнецов, А.А.Седельников, А.М.Цирульников каби иқтисодчи, файласуф, социолог, педагог, психолог олимлари томонидан ўрганилиб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқариш юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ педагогика фанида бу борада ўзининг мантикий ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Жумладан, таълим муносабатлари ҳамда бунга қизиқувчи томонларни таълим муассасасини бошқаришга жалб этиш концепцияси ва ташкилий-педагогик механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги бу борада чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий ишлар режасига мувофиқ А1-ХТ-1-33147 – “Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни ташкил этишни бошқариш сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (2012-2014 й.й.) ҳамда ПЗ-2014-0910185149 – “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” (2014-2016 й.й.) амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларининг педагогика фани ва таълим амалиётидаги мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш;

умумий ўрта таълим муассасаларини давлат-жамият шаклида бошқаришни ривожлантиришнинг тарихий тараққиёт йўли ҳамда замонавий тенденцияларини таҳлил қилиш;

таълим муассасасини бошқаришдаги жамоатчилик иштирокини кенгайтириш асосида таълим муассасасини ўзини ўзи баҳолаш технологиясини такомиллаштириш;

таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасига субъектив муносабатларини диагностика қилиш методикаси самарадорлигини аниқлашга оид экспериментал тадқиқот натижалари асосида илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳри, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараёнлар белгиланди.

**Тадқиқотнинг предметини** умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараённинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий таҳлил, кузатиш, ижтимоий сўров, умумлаштириш, таълим тизимини бошқаришни ривожлантириш бўйича илғор тажрибани ўрганиш, педагогик прогностика, педагогик ташхислаш, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини ифодаловчи педагогик жараён модели таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги стратегиясини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий-педагогик асослари таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқаришдаги сайлаш, маслаҳат ва келишув принциплари асосида такомиллаштирилган;

таълим муассасасининг ўзини ўзи баҳолаш даражасини ифодаловчи режалаштирилганлик, ташкил этилганлик, мотивация, назорат, мувофиқлаштирилганлик каби индикаторлар таркиби таълим муассасасини бошқаришдаги жамоатчилик иштирокини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган;

таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасига нисбатан субъектив муносабатларини диагностика қилиш методикаси таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий-педагогик методлари ва технологияларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараён модели такомиллаштирилган;

таълим муассасаси ва бошқарувга оид таърифлар муаллифлик ғояларига асосан такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараённинг шакл, метод ва воситалари таклиф қилинган;

таълим муассасаларини давлат-жамият шаклида бошқаришни ривожлантиришнинг тарихий тараққиёт йўли ҳамда замонавий тенденциялари таҳлил этилган;

таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасига субъектив муносабатларини диагностика қилиш методикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида

асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим муассасасининг ташкилий-педагогик тузилмасида таълим муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган муайян педагогик тизим, таълим муассасасининг ўзини ўзи баҳолаш методикаси, умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини ифодаловчи педагогик жараён модели, ушбу моделнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, педагогика назарияси курси педагогик тадқиқотнинг тажриба-синов ишлари қатнашчиларини танлаб олишнинг психологик-педагогик экспертиза методикаси; таълим муносабатлари қатнашчиларининг таълим муассасасига субъектив муносабатларига оид тадқиқот ўтказиш методикаси; таълим муассасасини бошқариш педагогик лойиҳалаш технологиялари билан бойитилгани, унинг умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарлари иш тажрибасини кенгайтиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумий ўрта таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқаришнинг ташкилий-педагогик структурасида таълим муносабатларини такомиллаштириш, умумий ўрта таълимнинг муддатлари ҳамда турларининг ўзига хос функционал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муассасани давлат-жамият шаклида бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисида Низом”нинг 8-бобини шакллантиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги 01-02/1-7-468-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий-педагогик асослари таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқаришдаги сайлаш, маслаҳат ва келишув принциплари асосида такомиллаштириш имконини берган;

замонавий жамиятнинг ижтимоий буюртмасига мувофиқ умумтаълим муассасаларининг моддий-техник баъзаси, методик таъминоти, умумий ўрта таълимнинг муддатлари ҳамда турларини ўзгартиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланишга қаратилган таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 10 августдаги 258-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими тизимида узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида” Низом, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган “Умумий ўрта таълим сифати кўрсаткичлари” номли мактаб

рахбарлари ва ўқитувчилари учун йўриқномани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги 01-02/1-7-468-сон маълумотномаси). Натижада таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасига нисбатан субъектив муносабатларини диагностика қилиш методикаси таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий-педагогик методлари ва технологияларини аниқлаштириш асосида такомиллаштириш имконини берган;

умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асослари, таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги, таълим муассасасини ўзини ўзи баҳолаш даражаси, таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқаришга оид муаллифлик ҳолатларидан ПЗ-2014-0910185149-рақамли “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” (2015-2017 й.й.) амалий тадқиқот лойиҳа доирасида яратилган “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” (I қисм) ўқув-услугий қўлланма ҳамда “Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари” номли услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги 01-02/1-7-468-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини ифодаловчи педагогик жараён модели таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги стратегиясини белгилаш асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасига нисбатан субъектив муносабатларини диагностика қилиш методикаси, таълим муассасасини ўзини ўзи баҳолаш даражасини ифодаловчи индикаторлар таркибини такомиллаштиришга доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5538-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 17 декабрдаги “Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 9-мх ва 14-мх-сон қарорлари 1-иловаси билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари”ни шакллантиришда фойдаланилган (Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 24 декабрдаги 84-01-457-сон маълумотномаси). Натижада таълим муассасасининг ўзини ўзи баҳолаш даражасини ифодаловчи режалаштирилганлик, ташкил этилганлик, мотивация, назорат, мувофиқлаштирилганлик каби индикаторлар таркиби таълим муассасасини бошқаришдаги жамоатчилик иштирокини кенгайтириш асосида такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та республика ва 4 та халқаро форум ҳамда илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Асосий мазмун 149 бетда ёритилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим муассасасини бошқариш жараёнининг методологик ва ташкилий-педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим муассасасини бошқариш жараёнининг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш – ижтимоий педагогик зарурият сифатида асосланган. Шунингдек, таълим муассасасини давлат ва жамоатчилик асосида бошқаришнинг замонавий тенденциялари таҳлил қилинган, таълим муносабатлари – таълим муассасаларини бошқариш объекти сифатида кўриб чиқилган.

Мазкур бобда таълим муассасаларининг миссияси, аввало, таълим олувчиларга таълим ва тарбия беришни таъминлашдан иборат бўлган функциясининг мураккаблиги билан ажралиб туриши таъкидланган. Таълим муассасасининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишига имкон берувчи ҳуқуқий асоси ҳам унинг хусусиятлари сирасига киради.

Диссертацияда мамлакатимизда таълим муассасасининг асосий хусусиятлари сифатида таълимнинг ижтимоий фаровонликнинг асосий негизи сифатида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши эътироф этилган. Замонавий таълим муассасалари айни даврда рақобат муҳитида фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ота-оналар ўз фарзандларига яхши таълим ва тарбиявий муҳитни тақдим этиши мумкин бўлган таълим муассасаларини танлашга ҳаракат қиладилар.

Бошқарув методологияси бошқарув фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги, яъни бошқарув фаолияти ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Бошқарув фаолияти асосий эътиборни бошқарув субъекти билан бошқариладиган тизимнинг ўзаро алоқадорликдаги фаолиятига қаратади (1-расмга қаранг).



**1-расм. Бошқарув методологияси ва назариясининг ўзаро алоқадорликдаги фаолият тизими**

“Бошқарув фаолиятининг методологияси” сифатида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин: 1) Бошқарув фаолиятининг тавсифи: унинг ўзига хосликлари ва принциплари. 2) Бошқарувнинг қуйидаги компонентлардан иборат мантиқий структураси: бошқарув фаолиятининг субъекти, объекти, предмети, шакллари, воситалари, методлари ва унинг натижалари. 3) Бошқарув фаолиятининг структураси.

Бошқарув фаолиятини кўриб чиқишнинг тўрт даражасини алоҳида кўрсатиш мумкин: концептуал даража (бошқарув фаолиятининг умумий категорияларидан фойдаланилади); таҳлил даражаси (бошқарув субъектларининг фаолият кўрсатиш қонуниятларини аниқлаш имконини берувчи деталлаштирувчи тавсиф); синтез даражаси (бошқарув субъектларининг фаолият кўрсатишининг энг самарали усулларини топиш имкониятларини берувчи аниқлаштирувчи тавсиф); амалга ошириш даражаси (аниқ белгиланган шароитларда мавжуд барча жиҳатларни эътиборга олувчи ҳам бошқарув фаолияти, ҳам бошқариладиган субъектлар фаолиятининг оптимал даражаси).

Таълимни давлат-жамият шаклида бошқаришнинг асосий кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: таълимнинг ҳар бир субъектига муайян ваколат ва масъулият юклатилган бошқарув тузилмасининг мавжудлиги; таълимни бошқаришнинг барча даража (қатлам)ларида бошқаришнинг давлат ва субъектлар ўртасида ваколат ҳамда масъулларни тақсимлашда ўзаро келишган ҳолда ҳамкорликдаги фаолиятга асосланганлиги; таълимни бошқаришнинг давлат ва жамоатчилик шакллари томонидан юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни ҳал этишнинг ҳамкорликка асосланган тизимининг мавжудлиги.

*Таълим муассасасини бошқаришнинг давлат-жамият шакли* – бу таълимнинг ҳар бир субъектига маълум ваколат ва масъулият юклатилган, таълимни бошқаришнинг барча даража (қатлам)ларида давлат ҳамда субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка асосланган бошқарув шакли.

Таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқаришнинг мақсади шахслар, жамият ва давлат манфаатларининг давлат ва жамият нуқтаи

назаридан оптимал тарзда мувофиқлигини таъминлашдан иборат. Унинг асосий вазифалари қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин: таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасаларини бошқаришдаги қонуний белгиланган ҳуқуқларини таъминлаш; таълимни давлат йўли билан бошқаришни демократлаштириш; таълим муносабатлари иштирокчиларининг қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш.

Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим: таълим муассасасининг миссиясини аниқлаш; давлат-жамият шаклидаги бошқарувининг самарали моделларини такомиллаштириш; ҳисоботларнинг ошкоралигини ва жамоатчилик экспертизасини оммалаштириш; давлат-жамият бошқаруви органлари вакилларининг барча категорияларини тайёрлаш тизимини ривожлантириш; жамоатчиликнинг таълим муассасасини бошқаришдаги иштирок этиш имкониятлари, давлат-жамият органлари фаолияти натижалари, фуқароларнинг давлат-жамият шаклидаги бошқарувда иштирокига қизиқишни оширувчи чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш кўламини кенгайтириш; таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқаришда иштирокчиларнинг самарали ҳамкорлигини ривожлантириш.

Таълим муассасасини давлат-жамият шаклидаги бошқарувнинг ривожланишида унинг нафақат асосий йўналишларини, фаолият тизимлари, мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкилий тузилишини, балки қатнашчилар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ҳам белгилаб берувчи принциплари муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқотда умумий ўрта таълим муассасаси истиқболини белгилаш параметрлари сифатида қуйидагилар келтирилган: таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқариш субъектларининг фаолият кўрсатиш шароитларини яхшилашга қўшган ҳиссаси (молиявий таъминот; меъёрий-ҳуқуқий база билан таъминланганлиги; таълим муносабатлари иштирокчиларининг ахборот билан таъминланганлиги); таълимни давлат-жамият бошқаруви субъектларининг таълим жараёни ҳолатини яхшилашга қўшган ҳиссаси (таълим жараёни қатнашчиларининг таълим муассасасини бошқаришдаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш; таълим муносабатлари қатнашчиларининг ўзаро муносабатларини барқарорлаштириш; таълим жараёнининг сифати; синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар сифати); таълим муассасасини давлат-жамият шаклида бошқаришда субъектларнинг таълим жараёни сифатини яхшилашга қўшган ҳиссаси (ўқувчиларнинг билими, малака ва кўникмаларининг даражаси; таълим олувчиларнинг тарбияланганлик даражалари; таълим олувчиларнинг меҳнат фаолиятига ва касбий таълимни давом эттиришга тайёрлиги).

Таълим муассасасини бошқарув жараёнига, таълим маконига жамоатчилик ташаббусини кириб боришида бир қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Жумладан: таълим тизимини бошқаришда унинг турли субъект ва даражалари ўртасидаги ваколатлар чегарасининг аниқланмаганлиги; таълим муассасаларини бошқаришнинг давлат ва жамоатчилик органларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база аниқ ишлаб


чиқилмаганлиги; таълим жараёнлари субъектлари ҳамкорлигини ҳуқуқий тартибга солишдаги ноаниқликлар; таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш учун ота-оналар бадаллари (хайрия)ни жалб этишнинг легитимлиги (легитим, французча “legitime”, лотинча “legitimus” – қонуний, муайян давлатда амал қилаётган қонунга мувофиқлик).

“Ташкилий-педагогик муносабат” тушунчасини илмий педагогик атама сифатида тушуниш учун таълим муассасаси педагогик воқелигини унинг бошқарув аспектларини ўрганиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарур. Ташкилий-педагогик муносабат таълим муассасасини бошқаришнинг уч хил даражасини ажратиб кўрсатиш асосида талқин этилиши мумкин: институционал даража (бошқарув субъекти таълим муассасасининг давлат ҳокимияти органлари, жойлардаги ҳамжамият ташкилотлар билан ўзаро таъсирини амалга ошириш учун ташкилий шарт-шароитларни таъминлайди, ташқи ўзгаришларга мослашишини ҳамда яхлитлигини сақлашни ўз зиммасига олади); бошқарув даражаси (бошқарув субъекти таълимнинг мақсадига эришиш учун педагоглар касбий фаолияти ва ўқувчилар ўқув фаолиятининг жорий этилиши учун керакли ташкилий-педагогик муносабатларни шакллантиради); дидактик даража (бошқарув субъекти, яъни педагог ўқувчининг ўқув фаолиятини амалга ошириш учун таълим шарт-шароитларини таъминлайди).

Таълим муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси фақат ўзигагина тегишли бўлган субъектив ҳуқуқ ва бурчларга эгадир. Таълим муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари охир-оқибатда умумий мақсадга – таълим олувчининг сифатли таълимга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилади.

Мавжуд қонунчилик таълим муассасасининг қуйидаги мажбуриятларини адо этиши учун имконият яратади: умумий ўрта таълимнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур ташкилий, ўқув-услубий, моддий-техник ва педагогик-психологик шарт-шароитларни яратиб бериш; ўз вазифасини зарур даражада бажариш; ўқувчиларни сифатли таълим олишини таъминлаш ва ўз битирувчиларини йўналишни ихтиёрий танлаш асосида таълимни касб-ҳунар ёки олий таълим муассасаларида давом эттиришига кўмаклашиш; таълим жараёни вақтида хизматчилар ва таълим олувчиларнинг саломатлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш; таълим муносабатларини бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилмаслик.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим муассасасини бошқариш жараёнининг методологик ҳамда ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш мазмуни ва принциплари”** деб номланган иккинчи бобида таълим муассасасини бошқариш жараёнини методологик ҳамда ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш принциплари аниқланган. Таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасига нисбатан субъектив муносабатлари диагностикаси таълим муассасасини бошқариш инструменти сифатида таҳлил қилинган. Таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий-педагогик методлари ва технологиялари асосланган (2-расмга қаранг).



**2-расм. Умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини ифодаловчи педагогик жараённинг такомиллаштирилган модели**

Тадқиқотда “принцип” термини “Бирор-бир назария, таълимотнинг асосий, дастлабки ҳолати” тарзида қўлланган. Бошқарувнинг қуйидаги принциплари алоҳида кўрсатилган ва асосланган: иерархия принципи, унификация принципи, мақсадга йўналтирилганлик принципи, самарадорлик принципи, масъуллик (жавобгарлик) принципи, аралашмаслик принципи, жамоат-давлат бошқаруви принципи, такомиллаштириш принципи, регламентация принципи, бошқарув фаолиятини ресурслар билан таъминлаш принципи, қайта алоқа принципи, муқобиллик принципи, оперативлилик (тезкорлик) принципи,

адаптивлик (мослашувчанлик) принципи, мақсадга мувофиқ тарзда марказлаштириш принципи, келишилганлик принципи, ахлоқий принциплар.

Бошқарув тилга олинган ҳар бир предмет учун тааллуқли бўлиши мумкин. Предмет бошқарув методлари классификациясини асос сифатида олган ҳолда жараёнда ўзгарувчан, бошқарув натижаси эса ташкилий тизим компоненти ҳисобланади. Шунга асосан бошқаришнинг мотивацион, институционал, ахборот, таркибни ва тузилмани бошқариш каби типларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Муносабатлар категорияси сифатида “таълим муассасаси” тушунчасининг мазмунини ташкил этувчи тўртта структуравий элемент ажратиб кўрсатилади: педагоглар, таълим олувчилар, таълим жараёни, бино ва жиҳозлар. Кўрсатилган компонентлар ҳамда муносабат категориялари асосида 1-жадвалда келтирилган таълим муассасасига муносабатни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

### 1-жадвал

#### Таълим муассасасига нисбатан муносабатларни баҳолаш мезонлари

| Муносабат                 | Эмоционал компонент   | Билишга оид компонент  | Амалий компонент   | Ахлоқий компонент   |
|---------------------------|---|--|--|---|
| <b>Педагогларга</b>       | Педагогларнинг таълим муассасасини эмоционал идрок этиш лаёқати         | Таълим муассасаси педагогларига йўналтирилган билишга оид қизиқиш        | Таълим муассасасининг таълим олувчилар билан муносабатлари характери | Педагогларнинг белгиланган меъёрлардан ҳам ортик фаоллиги                   |
| <b>Таълим олувчиларга</b> | Таълим муассасасидаги таълим олувчиларнинг эмоционал идрок этиш лаёқати | Таълим муассасасида таълим олувчиларга йўналтирилган билишга оид қизиқиш | Таълим муассасасининг педагоглари билан муносабатлар характери       | Таълим олувчиларнинг белгиланган меъёрлардан ҳам ортик фаоллиги             |
| <b>Таълим жараёнига</b>   | Таълим муассасасида таълим жараёнининг эмоционал идрок этиш характери   | Таълим муассасасида таълим жараёнига йўналтирилган билишга оид қизиқиш   | Таълим жараёнига психологик алоқадорлик (қўшилганлик) жараёни        | Таълим муассасасида таълим жараёни самарадорлигига таъсир ўтказишга интилиш |
| <b>Бино ва жиҳозларга</b> | Мактаб биноси ва жиҳозларини эмоционал идрок этиш лаёқати               | Мактаб биноси ҳамда жиҳозларига йўналтирилган билишга оид қизиқиш        | Мактаб биноси ва жиҳозларидан фойдаланишдаги фаоллик                 | Таълим муассасаси биноси ва жиҳозларини такомиллаштиришга интилиш           |

Таълим муносабатлари иштирокчиларининг таълим муассасасига субъектив муносабати таълим муассасаси мониторингининг таркибий қисми сифатида нафақат муносабатларнинг характерини қайд этиш имконини беради, балки таълим муассасаси жамоасини ривожлантиришдаги муаммоли ҳолатлар,

вазиятлар, жараёнларни аниқлашга асос бўлади. Бу муаммоли ҳолатлар, вазиятлар, жараёнлар локал характерга эга бўлиб, фақат аниқ бир таълим муассасасига тегишли бўлиши ҳам, замонавий педагогика фанининг психологик-педагогик муаммолари ечимини аниқлашга ҳам замин яратади.

Диссертациянинг “Умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг методологик ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришнинг экспериментал тадқиқи” номли учинчи бобида тажриба-синов ишлари қатнашчиларини танлаб олишнинг психологик ва педагогик экспертизаси натижалари ҳамда таълим жараёни иштирокчиларининг таълим муассасасига муносабатларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Таълим муассасасида таълим сифати қуйидаги кўрсаткичлар асосида белгиланади: педагогик жараёнларни давлат ижтимоий бюртмасига мувофиқ ташкил этилганлиги; аниқ бир шахснинг таълими натижалари мисолида таълим сифати (билимларнинг ўзлаштирилганлик даражаси, муайян малака ва шахсий малакаларнинг шаклланганлиги, шахсий сифатлар ва қадриятли йўналишлар)ни баҳолашнинг турли параметрлари орасидаги мувофиқлик; назарий билим ва малакаларни ҳаётда, профессионал фаолиятда амалий қўлланишида бу сифатларни мунтазам янгилаб, бойитиб бориш, уларни узлуксиз такомиллаштириб боришга мослиги.

Умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг функционал модели унинг индикаторлари бўлган бошқарувнинг муайян ташхислаш асосидаги режалаштириш, ташкил этиш, мотивация, назорат, мувофиқлаштириш каби функцияларини таҳлил қилишни назарда тутди.

Умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришни ривожлантириш даражаси бошқарув тизими ҳолатига мос беш даражадаги тавсифлардан иборат баҳолаш моделини ташкил қилади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Умумий ўрта таълим муассасасини бошқаришнинг ўзини ўзи баҳолашнинг такомиллаштирилган модели

| Даража | Баҳо    | Бошқарув ҳолатининг тавсифи   |
|--------|---------|---|
| I      | (0-20)  | Бошқарув тизимсиз амалга оширилади, мақсадлар аниқланмаган ёки ҳаддан ташқари тарқоқ. Тизимни ривожлантириш учун бошқарув принципларини қайта кўриб чиқиш лозим.  |
| II     | (21-40) | Бошқарув тизими ривожланиши учун имкониятлар мавжуд, бироқ бу имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмайди. Раҳбарият ташаббус кўрсатиши, мақсадни аниқ белгилаши, бошқарув тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши лозим.                                |
| III    | (41-60) | Умумий ўрта таълим муассасасининг бошқарув тизими шакллантирилган. Ички алоқадорлик жараёнларини оптималлаштиришга эътибор қаратиш лозим. Бошқарув тизимини такомиллаштиришга бориб таълим олувчилар ҳамда манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини эътиборга олиш зарур. |

|    |          |  |
|----|----------|--|
| IV | (61-80)  | Кўпгина йўналишларда мунтазам тарзда бошқарув сифатини такомиллаштириш ишлари олиб борилади. Такومиллаштириш стратегиясидан фойдаланган ҳолда яхшиланиш динамикасини таъминлаш ҳамда қолган муаммоли соҳаларни қайта қуришни бошлаш зарур. |
| V  | (81-100) | Бошқарув фаолиятининг барча йўналишлари бўйича максимал натижага эришилган, бошқарув тизими эталон сифатида эътироф этилиши мумкин.  |

Бошқарувни баҳолашнинг функционал модели мезонлари бўйича ўзини ўзи баҳолаш умумий ўрта таълим муассасаси учун ўз фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот олиш ҳамда диагностик тадқиқотлар натижалари асосида уни яхшилашнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини беради.

Тажриба-синов ишларининг натижалари юқоридаги мезонлар бўйича математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

Раҳбарлар ва педагогларда умумий ўрта таълимни бошқариш тизимининг ривожланганлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажрибадан олдинги ва кейинги ўртача ўзлаштиришларни Стьюдент ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовга жами 183 нафар респондентлар жалб этилиб, шулардан 23 нафари таълим муассасаси раҳбарлари, 160 нафари эса таълим муассасаси педагогларини ташкил этди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба-синовдан кейин умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари билимининг ўртача баллари бўлса, иккинчиси тажриба-синовдан олдин умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари билимининг ўртача баллари, шунингдек, педагогларнинг ҳам тажриба-синовдан олдинги ва кейинги ўзлаштириш даражаларининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

4-жадвалга асосан раҳбарларнинг тажриба боши ва якунидаги ҳамда 5-жадвалга асосан педагогларнинг тажриба боши ва якунидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотеза танланади.

### 3-жадвал


#### Умумтаълим муассасалари раҳбарларида тажриба боши ва якунидаги натижалар асосида умумтаълим муассасасини бошқаришнинг ривожланганлик даражаси

|                 | Сони | Ўзлаштириш даражалари сонда ва фоизларда |                      |                |
|-----------------|------|--|----------------------|----------------|
|                 |      | Тўлиқ жавоб берган                       | Нотўлиқ жавоб берган | Жавоб бермаган |
| Тажриба якунида | 23   | 13<br>56                                 | 8<br>35              | 2<br>9         |
